БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 105 (17.983). • 7 май 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ШОНЛИ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Руминия Коммунистик партиясининг 60 йиллиги муносабати билан партия Марказий Комитетига табрик телеграммаси юборди. Телеграммада бундай дейилади:

«Руминия Компартияси синфий жанглар алангасида, Улуғ Октябрь социалистик революцияси вужудга келтирган революцион юксалиш йилларида бунёдга келди. РКПнинг вужудга келиши, унинг коммунистик интернационалга қўшилиши Руминия ишчилар ҳаракатида реформизм ва оппортунизм устидан марксизм-ленинизм ғалабасини билдирди, бу ҳаракат тараққиётида бурилиш нуқтаси бўлди. Руминия коммунистлари подполье ва шафқатсиз террор шароитларида ҳаракат қилиб, буржуа-помешчиклар Руминияси ҳукмрон доираларининг халқ манфаатларига зид сиёсатига қарши мардонавор кураш олиб бордилар, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилдилар. Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик учун курашдилар.

Улуғ Ватан уруши фронтларида Совет Армиясининг ҳал қилувчи ғалабалари, Руминия территориясида фашист қўшинларининг тор-мор келтирилиши, коммунистлар раҳбарлигида 1944 йилнинг 23 августида кўтарилган қуролли қўзғолоннинг амалга оширилиши мамлакатни фашистлар асоратидан озод этди. Бошланиб кетган халқ революцияси чоғида РКП туб сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишлар учун, социализмнинг тантанаси учун олиб борилган курашга бошчилик қилди.

Руминия диёрида РКП раҳбарлиги остида социалистик бунёдкорлик ишларида эришилган муваффақиятлар совет кишиларини қувонтиради. КПСС партиянинг XXVI съездида яна бир карра таъкидланган ўзининг ўзгармас ташқи сиёсий йўлига амал қилиб, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида марксизм-ленинизмнинг, социалистик интернационализмнинг синалган принциплари асосидаги дўстлик ва ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Совет Иттифоқи ва Руминиянинг, бошқа социализм мамлакатларининг орттирган тажрибалари уларнинг икки томонлама мустаҳкам муносабатлари, шунингдек Варшава Шартномаси ташкилоти ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги чамбарчас ҳамкорлиги ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб, социализм мамлакатлари халқлари эришган тарихий ғалабаларни ҳимоя этувчи пухта гарантия, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашнинг қудратли омили эканлигидан яққол далолат беради.

(ТАСС).

ДАЛА ИШЛАРИГА СУРЪАТ ВА СИФАТ

ТЕЖАМКОРЛИК — ЮКСАК ФАЗИЛАТ

Жонажон партиямизнинг XXVI съезди мамлакатимиз тараққиётининг истиқбол программасини белгилаганида меҳнат ресурсларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, мавжуд бойликларни тежаб-тергаш, улардан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, хўжалик юритишнинг кўпгина масалаларига янгича ёндашиш зарурлигини уқтирди. «Оддий ва шунчаки кундалик юмуш бўлиб кўринган иш — жамоат бойлигига омилкорлик билан муносабатда бўлиш, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, — ўзимиздаги ҳамма нарсалардан тўла-тўкис, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Меҳнат коллективларининг ташаббуси, партиявий-оммавий иш мана шунга қаратилиши керак. Техника сиёсати ҳам, капитал маблағлар сиёсати ҳам, план, ҳисобот кўрсаткичлари системаси ҳам мана шунга қаратилмоғи лозим».

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ишлаб чиққан иқтисодий ва социал тараққиёт программасини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бораётган республикамиз меҳнат коллективлари барча мавжуд ресурслар — меҳнат, асосий фондлар, ёқилғи ва хом ашёдан, дала ва фермаларнинг маҳсулотларидан моҳирона ва самарали фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар. Илғор коллективлар партия даъватига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, иқтисод қилиш ва тежамкорлик соҳасида катта зафарларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, Бекобод автобус-таксомотор паркининг шофёрлари ўтган йили жамғариб қолинган ёнилғи ҳисобига бу йил беш кун мобайнида машина бошқарган бўлсалар, ўн биринчи беш йиллик бошлангандан буён иқтисод қилинган ёнилғи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 111 йиллиги шарафига ўтказилган коммунистик шанбалик кунида ишлашга бемалол етди.

Қатор ишлаб чиқариш тармоқлари, корхона ва ташкилотларнинг партия ташкилотлари моддий бойликлардан ишнинг кўзини билиб, омилкорлик билан фойдаланишга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирларни жорий қилиш устида қунт билан иш олиб бораётганликлари таҳсинга лойиқдир. Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигида ишлаб чиқилган ва жорий этилаётган ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш программаси катта афзалликларга эга. Бу тадбир беш йилда кўзда тутилганидан 100 минг тонна кўп шартли ёқилғи ва 120 миллион киловатт-соат знёд электр энергия иқтисод қилиш имкониятини яратади.

Гап мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш ҳақида бораётган экан, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бутун партиявий-сиёсий, оммавий-ташкилий ишлар йўналишини шунга қаратишлари, иқтисод ва тежамкорлик соҳасида тўпланган энг яхши тажрибаларни қўллаб-қувватлашлари, уларнинг кенг ёйилиши учун зарур шароитлар яратиб беришда хўжалик органларига муносиб мадад кўрсатишлари зарур. Узбекистон касаба союзлари республика Совети, Узбекистон комсомоли Марказий Комитети, Узбекистон ССР Халқ контроли комитети, «Совет Узбекистони» ва «Правда Востока» газеталари редакциялари республикадаги барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, иқтисод ва тежамкорлик кўригида фаол қатнашишга даъват этдилар. Ушбу мурожаат Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Мурожаат республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида, транспорт тармоқларида ва хўжаликларда қизғин кутиб олинди. Жойлардан редакцияга келаётган кўплаб хат-хабарлар ана шундан далолат бериб турибди. Уларда капитал маблағлардан, материал, хом ашё, асосий фондлардан, ёнилғи ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланилаётгани, бу соҳада амелга оширилаётган техникавий тадбирларнинг афзалликлари билан бирга, баъзи коллективларда исрофгарчиликка бефарқ қаралаётгани, ҳатто аниқланган камчиликларни бартараф этишда суст кашлиги, лоқайдлик, қилинаётгани ҳам кўрсатиб ўтилади. Андижон машинасозлик заводи, Бухоро нефть базаси каби корхоналарда электр энергияси, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Жиззах ва Хоразм областларида, Тошкент шаҳар корхоналари ҳамда транспорт тармоқларида ёнилғи-энергетика ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ҳоллари учраб турибди.

**Вазифа — тежамкорлик ҳаракатини ҳамма ерда авж олдириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг

БУГУН — РАДИО КУНИ

ҚОҒОЗСИЗ, МАСОФАСИЗ...

ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

РЕСПУБЛИКАМИЗ алоқачилари бугун барча совет халқи қатори ўзларининг профессионал байрамлари — Радио кунини нишонлайдилар. Бу байрам КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошланган зўр меҳнат кўтаринкилиги шароитида нишонланмоқда. Ватанимиз коммунистларининг олий анжуманида ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси халқ хўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат деб белгиланди.

Алоқа ходимлари ана шу талаблар асосида бутун куч ва ғайратни алоқа воситаларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга, хизмат маданиятини оширишга қаратмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, социалистик мусобақани кенг авж олдириш негизида алоқа корхоналари коллективлари ўнинчи беш йилликда планларни барча асосий кўрсаткичлар бўйича бажариб, республикамиз экономикаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Энг янги техника воситалари, илғор тажриба ва технологияни амалиётга жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш ана шу зафарларни таъминлаган омиллар бўлди. Ўтган беш йилликда алоқа объектлари қурилишига катта аҳамият берилди. Шу давр мобайнида 170 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилганлигини айтиш кифоя.

Алоқанинг барча тармоғи ривожланиб бормоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида барча область марказларида йирик замонавий алоқа уйлари фойдаланишга топширилди ёки қурилмоқда. Район марказларида 20 та алоқа узели бинолари ишга тушди, шунингдек 545 та алоқа бўлими очилди. Қишлоқ телефон станциялари қуввати икки марта, шаҳар телефон станциялари қуввати 1,6 марта кўпайди. Андижон, Гулистон, Фарғона ва Урганчда шаҳарлараро автомат телефон станциялари иш бошлади. Алоқа бўлимларини механизациялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Вақтли матбуот ҳамда хат-хабарларни эгаларига етказишни янада яхшилаш мақсадида янгича иш усуллари жорий этилди.

Телевидение ва радио эшиттириш энг муҳим оммавий ахборот воситаларидан биридир. Республикамиз алоқачилари ўтган беш йиллик мобайнида телевидение ва радиоэшиттиришни янада кенгайтириш юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда «зангори экран» кўрсатувлари тўрт программада олиб борилмоқда. Аҳолининг 75 проценти рангли кўрсатувларни томоша қилиш имкониятига эга.

Ўн биринчи беш йилликда алоқа хизматининг барча тармоқлари кенгайиб, иш сифати ва самарадорлиги янада ошади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг почта, телефон ва телеграф алоқасига бўлган эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилади. Шу беш йилликда шаҳар телефонлари сони 1,6 марта кўпаяди. Бунинг учун юздан ортиқ автомат телефон станцияси биноси қурилиши, камида 400 минг номерли станциялар ишга туширилиши керак. Қишлоқларда ҳам шундай телефон станцияларини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Рангли телевидение томошабинлари сафини кенгайтириш, унинг кўрсатувлари сифатли қабул қилиб олинишини таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди. Республикамиз пойтахтида қад ростлаётган 350 метрли телевизион минорани 1982 йили ишга тушириш мўлжалланмоқда. Шундан кейин республикамизнинг ҳамма ерида тўртала программада рангли кўрсатувларни бемалол томоша қилиш мумкин. Янги беш йилликда радиоэшиттириш станциялари қувватини ошириш вазифалари ҳам муваффақиятли ҳал этилади. Бу эса ўз навбатида республикамизнинг барча территорияси ва ундан чекка жойларда Ўзбекистон радиоси программаларини жуда яхши тинглаш имконини беради.

Шаҳар ва қишлоқларимизни радиолаштириш юзасидан жуда катта ишлар қилинди. Бу иш янги беш йилликда ҳам кенг кўламда давом этади. 345 мингдан ортиқ радио нуқталари ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бунда аввало кўп программали радиоэшиттиришларни кенг жорий этиш, автоматлаштириш ва дистанцион бошқарув тадбирларини амалга ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинади. Радиоэшиттириш тармоқлари маҳаллий эшиттиришлар эҳтиёжларини тўла ва сифатли таъминлайди.

Алоқа корхоналари тармоғини ривожлантириш юзасидан қилинадиган ишлар аҳолига алоқа хизматини кенгайтиришни таъминлаши зарур. Барча алоқа бўлимларида телефон алоқасини йўлга қўйишга, зарур жойларда телеграф аппаратларини ўрнатишга эришилади.

КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди ўртага қўйган талаблар асосида республикамиз алоқачилари жуда катта ишларни амалга оширишлари керак. Тармоқда фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш йўли билангина бу вазифаларни шараф билан бажариш мумкин. Республикамизнинг кўпминг кишилик алоқа ходимлари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, алоқа воситаларини такомиллаштириш ва алоқа хизматини янада юксак поғонага кўтариш учун бундан буён ҳам бутун куч ва ғайратларини сарфлайверадилар.

Т. ТУХТАЕВ,
Ўзбекистон ССР алоқа министри.

ЭРТА ТОНГДАН ЯРИМ ТУНГАЧА...

РАДИО

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти — Тошкентдан гапирамиз!

Ҳар тонгни республика радиосининг ана шу тантанавор сўзлари билан қарши оламиз. Радио карнайидан серқуёш республикамиз Давлат гимни янграйди. Гимнининг ҳаммамиз учун қадрдон ва мўътабар оҳанглари, жўшқин ва пурҳикмат сўзлари вужуд-вужудимизга сингиб, кўтаринки кайфият бахш этади. Назаримда, бу ажиб ва муқаддас садолар Октябрдан нур эмган озод ўзбек диёрида яна бир фараҳли тонг отганини оламга хабар қилаётгандай! Жонажон партиямиз режаларини амалга ошириш, улуғ Ватанимизни янада обод, турмушимизни фаровон қилиш йўлида ҳар бир бунёдкорлик куни шундай бошланиши ҳам керак-да!

— Аслида иш соат олтида эмас, балки анча барвақт бошланади, — деди биз билан суҳбатда республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи директори Ғофир Раҳимов. — Ахир эшиттиришлар эфирга рисоладагидек таралиши учун аппаратлар ҳамиша соз бўлиши лозим. Икки юз олтмиш кишилик коллективимиз Тошкентдан уч программа орқали ўзбек, рус, тожик, татар, қозоқ ва уйғур тилларида бериладиган эшиттиришларни техник жиҳатдан аъло даражада таъминлашга муваффақ бўлмоқда.

Мана бешинчи овоз ёзиш студияси. Деворларга мовут сирилган чорси хонада қўш микрофондан бўлак ҳеч нарса йўқ.

— «Ёшлик» радиостанциясидан гапирамиз! Диққат қилинг, эфирда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Жасорат» программаси!

Эшиттириш истеъдодли ўзбек саркардаси, иқтидорли генерал-лейтенант Собиржон Охунжоновнинг Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган бетакрор жасорати, буюк ғалабани таъминлаган омиллар ҳақидаги сўзлари билан бошланди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, фарғоналик Муҳиддин Умриддинов, жиззахлик Жўрақул Тўраев, уруш ветеранлари ва шавкатли Совет Армияси сафларида солдатлик бурчини ўтаётган бир гуруҳ ёшларнинг эфир орқали тараладиган сўзларини икки авлод вакилларининг мангу олов олдидаги учрашуви дейиш мумкин.

— Бир кеча-кундузлаги маҳаллий эшиттиришларимиз 33 соатга боради, — дейди республика радиоси программалаштириш ва координация бош дирекцияси бош директорининг ўринбосари М. Аҳмедов. — Оператив эшиттиришлардан бўлак барча эшиттиришлар олдиндан ёзиб олинади. Бу ҳол ишни қатъий план асосида олиб боришга, бинобарин, КПСС XXVI съезди идеология ходимлари олдига қўйган вазифаларни изчил амалга оширишга имкон беради.

...Тошкентдан гапирамиз! Ҳар куни қанчадан қанча эшиттиришлар ана шу сўзлар билан бошланади. Қудратли Ватан нафаси, шу кеча кундузда содир бўлаётган воқеалар, нурли истиқбол — коммунизм қасрини барпо этаётган совет халқи қўлга киритаётган улкан зафарлар, олам янгиликлари бизга энг олдин шу эшиттиришлар орқали маълум бўлади. Бу Т. Юнусхўжаева, Қ. Махсумов, Т. Йўлдошев, З. Қўзиева каби дикторлар, А. Икромов, М. Мирмаҳмудов, М. Комилов, Ф. Худойберганова, М. Турдиева, И. Ёқубова, М. Юнусова сингари инженер-техник ходимлар, овоз ва эшиттириш операторлари, йигирмадан ортиқ режиссёр, кўпгина ижодкор радиочилар меҳнати самарасидир.

Суратда: республика радиосининг редакцион-бадиий кенгаши аъзолари янги ёзиб олинадиган асарни муҳокама қилмоқдалар.

ҲАФТАНИНГ БИР КУНИДА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Телевидение бошқа ахборот органлари қатори инсонни ўз йўриғи билан кашф этади. Электрониканинг энг сўнгги ютуқларига асосланган қудратли техникаю, журналистнинг ақли ва истеъдоди бир бўлиб совет кишисининг меҳнати ва ҳаётини «ойнаи жаҳон»да кенг кўламда акс эттирмоқда. Айни чоғда телевидение олий таълим бўйича ихтисослашган ҳолда билим берадиган мактаб, санъатнинг сеҳрли олами билан таништирувчи бебаҳо дарслик, одоб-аҳлоқ ва туриш-турмушдан сабоқ берадиган мураббий бўлиб қолди.

— Уч йил муқаддам «Ораста кийинайлик» туркумида янги кўрсатув тайёрладик, — дейди Ўзбекистон телевидениеси Пропаганда бош редакцияси турмуш ва маданият бўлими мудири Аброр Содиқов. — Иш кийиниш маданиятининг алифбесидан бошланди десам муболаға бўлмас. Артистларни замонавий ва алмисоқдан қолган модада кийинтириб, устбошларни таққослаб кўрсатдик. Турли ёш ва ихтисосдаги кишилардан интервью олиб, уларнинг замонавий кийим-кечак ҳақидаги фикрини билдик. Бу интервьюларни санъатшунос шарҳлаб туриши, ҳеч шубҳасиз, кўрсатувларимиз самарадорлигини оширди. Кўрсатувлар тажрибали рассомларнинг мода хусусидаги маслаҳатлари билан якунланарди.

Турмуш маданиятини юксалтиришдек хайрли иш, табиийки, шундай қолиб кетмади. Янгича мазмун касб этди. Шу зайл кўрик-конкурс характеридаги қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг комплекс проблемаларига бағишланган «Биз қишлоқда яшаймиз», съездлар оралиғида қишлоқларимизда юз берган чуқур ўзгаришлар, хўжалик ва маданий қурилиш жабҳасидаги ютуқларга бағишланган «Турмуш маданияти — ҳаёт зийнати» каби кўрсатувлар юзага келди.

— Турмуш ва маданият проблемаларини ёритишда жонажон партиямизнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни бартараф этиш сиёсати асосий дастурдир, — дейди Ўзбекистон телевидениеси Пропаганда бош редакциясининг бош редактори А. Абдуқодиров. — Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш республика Кенгашининг кўрсатмалари шу соҳадаги кўрсатувлар мундарижасини белгилайди. Қишлоқларимизда ҳам юксак маданиятни қарор топтириш давр тақозосидир. Зеро фаровон турмушга юксак маданият ярашади.

...Галдаги кўрсатув республика болалар кутубхонаси иши, район ҳамда қишлоқ мактаб кутубхоналари фаолияти проблемаларига бағишланар экан. Биз кирганда турмуш ва маданият бўлими ижодкор ходимлари А. Содиқов, Н. Олимбоева, А. Холтоев режиссёрлардан М. Икромов ва М. Асатуллаев билан кўрсатув сценарийсини муҳокама этаётган эканлар. Бўлимда кўрсатувларни тайёрлашда адабий сценарийлар пухта бўлишига ҳам, унинг режиссура жиҳатидан моҳирона ҳал этилишига ҳам катта аҳамият берилмоқда.

... Ҳар ҳафта пайшанба куни «Оқшомингиз хайрли бўлсин, қишлоқ томошабинлари!» деган сўзлар билан ҳозирги қишлоқ, унинг маънавий қиёфаси, маданий ўзгаришлар ҳақида мароқли ҳикоя бошланади.

ПОЧТА

ЯХШИЛИК УЛАШИБ

Эрта бошланган иш унумли бўлади, дейишади кексалар. Насиба буни кўп марта синаб кўрган. Шу сабабдан сменаси ишлайдиган куни барвақт келади. Номига яраша Марказий почтамт эмасми, бир қанча бўлимлари бор. Смена бошлиғи сифатида Насибахон Эргашева уларни кўздан кечиради. Иш давомида зарур бўладиган анжомларни тайёрлаб қўяди: гоҳо арзимаган нарса кишилар вақтини олиши мумкин. Насибанинг сменасида эса бундай ҳол деярли бўлмайди.

Дарҳақиқат, ишнинг бир маромда кетиши кўп жиҳатдан смена бошлиғига боғлиқ, эрта тонгдан то кечқурунгача тиним йўқ.

— Иш сўнгида қолган посилкаларни ҳисоб-китоб қилишнинг ўзи қанча вақтни олади, — дейди почтамт бошлиғи Тоиржон Миржалилов. — Қизларимиз ҳар бир посилка, бандероль ортида унга интизор кишилар борлигини дилдан ҳис қиладилар. Яхшиликни имкони борича тезроқ ўз эгаларига етказишнинг пайида бўладилар.

Насибахон билан суҳбатни почтамт бошлиғининг ана шу гапидан бошладик. Ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмаса керак, у гапни сал бошқачароқ бошлади:

— Бу ерга янги келган кезларим эди. Эрталаб эндигина иш бошлаётган эдим, кекса бир онахон олдимга келдилар. Нима зарур юмушлари бор экан шу тобда, деган хаёлда кўзим қўлларидаги тугунчага тушди. Хайронлигимни сездилар шекилли, кенжа ўғиллари Новгородда хизмат қилаётганини, армияга жўнашдан илгари атайин гилос кўчати экиб, «ҳосилга киргунча қайтаман, ойи!» деганини гапириб бердилар. У билан деярли бир вақтда ўртанча ўғил ҳам Новгородга отланган, ҳозир ўша ерда яшар экан. «Фарзандларимга ёшлигидан одамларга ҳамиша яхшилик қилинглар, деб уқтирардим. Новгород деган жойни эшитди-ю ўртанчам ўзингиз ўргатганингиздек одамларга яхшилик қилиш учун бораман, деб туриб олди. Нимаям дердим, қувондим, дуо қилдим. Шунчалик одамларга нафи тегаркан, майли дедим. Иккаласининг оғзи тега қолса, деб эрталабдан гилос олиб келувдим. Дарров керакли қоғозларни тўғрилаб бердим. Миннатдор бўлиб чиқиб кетдилар. Кейин ўйласам, у киши гўё менгаям «қизим, одамларга яхшилик қил, кам бўлмайсан» дегандек бўлган эканлар ўшанда. Шу-шу ҳар тонг иш ўрнимга ўтираётганимда яхшилик қилиш ҳақида ўйлайман. Эрталабки ният албатта, амалга ошади, бунга ишонаман».

Ўз касбини севган, уни ардоқлаган барча почта ходимларининг ҳам эзгу нияти шу.

СЎЗЛОВЧИ СИМЛАР

ТЕЛЕГРАФ

Сокин тун. Бадр ой қоронғулик билан талаша-талаша тунни тонгга улашга интилади. Ҳамма ширин уйқуда ётганида ой билан туннинг бундай тортишувларини, табиийки, тун бўйи меҳнат қилаётганларгина сезади.

Шундай тунда ёш қиз қулоқларига телефон трубкаларини тутиб олиб, сон-саноқсиз митти «бармоқчалари» ишга тушганда чарақлаб ёниб турувчи қизил кўзли аппарат кўмагида мамлакатимизнинг аллақайси бурчакларига уланади. Бир қулоғидаги трубкага зарур номерларни айтади, иккинчи трубкадан келган хабарни эгасига тезроқ етказиш мақсадида қўлига микрофонни олади.

— Улан-Удэ, Улан-Удэ, бешинчи хонага киринг, бешинчи хонага...

Зум ўтмай ёнидаги дугонаси узатган буюртма қоғозига қараб, бошқа жой билан алоқа боғлайди. Шу тариқа иш давом этади.

Кечки смена бошланганида кутиш залида негадир одамлар сийрак эди. Нотабиийроқ ҳолат асли бу. Тун ярмидан оққанда қизлар олдидаги катта аппаратнинг чироқлари ҳам, телефоннинг кетма-кет қўнғироғи ҳам бир оз камайгандек бўлди. Бундай дақиқаларни алоқачи қизлар ўзларига берилган танаффус деб билишади. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Эшикдан ҳовлиқиб кириб келган йигит қизлар олдига яқинлашмасданоқ гапира кетди.

— Қизлар, БАМ... БАМга уланишнинг иложи бўлармикин. Илтимос, Тиндага, номери...

Йигитнинг кўриниши бир оз кулгили эди. Хурсандлигидан оғзининг танобини йиғиштириб ололмас, нуқул қўллари билан сочини тарар, уйқусизликдан қизарган кўзлари катта бир янгиликни тезроқ эгасига етказишни истагандек ғалати жавдирарди. Шу дамда хурсандчилигига бошқаларнинг ҳам шерик бўлишини жуда-жуда хоҳларди. Алоқа бўлмади — трубкани қулоғига тутиб, Тиндани алоқага чақираётган қизга хурсандлигини бир йўла тўкиб солди.

— Акам икки ҳафтадан бери ўша томондалар, чизган лойиҳалари бўйича барпо этилаётган қурилишларни текширишга кетгандилар. Айтувдим, кейинроқ борарсиз деб, бўлмади. Суюнчининг каттаси ўзимга тегадиган бўлди.

Йигитнинг пойинтар-сойинтар гапларига тушунмай турган қиз сўради:

— Нимага суюнчи олмоқчисиз?

— Ие, айтмадимми, акам...

Йигитнинг гапи чала қолди.

— Диққат, Тинда, учинчи хонага киринг.

Йигит шошиб трубкани оларкан, хонанинг эшигини ёпишни ҳам унутди.

— Ака, акажон, суюнчи, Ҳасан-Ҳусан, яхши... Ҳозир ...ойимлар, ўзим... Хўп, тезроқ тугатинг... Хавотир олманг, ҳаммаси яхши... Хайр!

Тун билан талашса-да барча воқеадан воқиф, бироқ тилсиз бадр ой сўзловчи симларга «алам» билан боқарди.

Суратда: катта инженер Асад Қудратов республика радиосининг асосий эшиттиришлари бошқарув пультида.

А. Тўраев ва И. Глауберзон фотолари.

Радио кунига бағишланган материалларни «Совет Ўзбекистони» мухбирлари **Р. Қосимов** ва **У. Файзиева** тайёрлаган.

«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ» АМАЛДА

КОММУНИСТЛАР ПЕШҚАДАМ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди ёпилиш вақтида сўзлаган нутқида шундай деди: «Етук социализм ҳар бир гражданиннинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун ғоят кенг имкониятларни таъминлайди. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан фойдаланишда қолган». Совет кишилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу кўрсатмасини амалга ошириш учун меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни янада авж олдириб юбордилар. Партия қарорларига зарбдор меҳнат билан жавоб бериш республикамиз меҳнат аҳлининг ҳам жанговар шиорига айланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, ишлаб чиқариш илғорларининг бир беш йилликда ўн йиллик ва ундан ортиқроқ топшириқларни бажариш борасидаги ташаббуси тўғрисида қарор қабул қилди. Республика зарбдорларининг даъвати кенг қанот ёймоқда. «Совет Ўзбекистони» газетаси куни кеча ўн беш ташаббускорнинг бири — Бухоро тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси В. И. Климова ўз сўзининг устидан чиққанлигини хабар қилган эди. У йил бошидан буён нормадаги 16 дастгоҳ ўрнига 28 та ускуна комплектига хизмат кўрсатди. У 63 минг метрдан кўпроқ юқори сифатли тик тўқишга эришди.

Бошқа ташаббускорлар ҳам ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«Андижанводстрой» трести бунёдкорлари ҳам «Ўн бешлар» ташаббусига қўшилиб, меҳнат қилишмоқда. Октябрь революцияси ордени кавалери, меҳнат ветерани Ҳошим Хўжаев етакчилигидаги бригада аъзолари трестда биринчилардан бўлиб беш йиллик планни барвақт бажариш, шу муддат ичида ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ топшириқни бажаришга сўз берди. Коммунист Ҳ. Хўжаевни қўриқ бунёдкорлари яхши билишади. Марказий Фарғонада янги ерлар ўзлаштираётган қурувчилар коллективи Н. Злобиннинг бригада пудрати методи асосида ишламоқда. Бу эса уларга катта ютуқлар келтирмоқда. Бригада қўриқдаги «Комсомол» совхозида 200 гектар суғориладиган майдонни муддатидан илгари фойдаланишга топширди. Ярим йиллик план адо этилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекилди.

«Андижанводстрой» трестининг илғор механизаторлари Н. Шарипов, В. Жумаев, бригада бошлиқларидан Р. Мамадиев, И. Аминов ва бошқалар «Ўн бешлар ташаббуси» асосида меҳнат қилишга сўз бердилар.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

Совет журналистларининг вазифалари юксак ва фахрлидир. Улар, Ленин таъбири билан айтганда, замонамиз тарихини ёзишлари, матбуот сўзи ўзининг ҳаққонийлиги, партиявий принципиаллиги билан кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этишига, коммунистик идеалларни қарор топтиришга интилишлари лозим. Матбуот мамлакатимизда жамиятнинг маънавий ҳаётига жуда катта таъсир ўтказувчи куч бўлиб қолди. СССРда бир галлик тиражи 173 миллиард нусха бўлган 8 мингдан кўпроқ газета нашр этилмоқда. Китоб нашр этиш иши ғоят кенг қулоч ёзди.

Матбуот байрами муносабати билан 5 май куни Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга пойтахт партия ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, газета ва журналлар редакцияларининг, информация агентликларининг, телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт, полиграфия корхоналарининг ходимлари тўпландилар.

Йиғилишда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Л. М. Замятин, Е. М. Тяжельников, ижодий союзларнинг раҳбарлари, газета ва журналларнинг бош редакторлари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Партийная жизнь» журналининг бош редактори М. И. Халдеев доклад қилди. У ўз докладида коммунистик жамият қуриш ишида журналистлар меҳнатини бутун халқ эътироф этаётганлигини уқтириб ўтди. Ҳозир оммавий ахборот воситаларининг ходимлари КПСС XXVI съезди қарорларини газета саҳифаларида, радио ва телевидение орқали кенг тушунтиришни, меҳнат коллективларини беш йиллик планларини муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар этишни ўзларининг энг муҳим бурчлари, деб ҳисоблайдилар.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда актив қатнашганликлари, республика план органларида кўп йил ва самарали ишлаганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ Андижон область ижроия комитети план комиссияси раисининг ўринбосари Вера Георгиевна **Гиргинова**, Ўзбекистон ССР Госплани енгил ва пахта тайёрлаш саноати бўлимининг етакчи экономист-инженери Елена Максимовна **Гриненко**, Фарғона область Ўзбекистон район ижроия комитети план комиссиясининг раиси Ёқубжон **Мадумаров**, Ўзбекистон ССР Госплани маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи Дилбар Юнусовна **Мирсаидова**, Қорақалпоғистон АССР Госплани раисининг ўринбосари Антонина Кузьминична **Русакова**, Сурхондарё область Бойсун район ижроия комитети план комиссиясининг раиси Жума **Ҳасанов**, Тошкент область Чиноз район ижроия комитети план комиссиясининг раиси Тўлаган **Эргашев**, Бухоро область ижроия комитети план комиссияси раисининг ўринбосари Фазли Ғуломович **Йўлдошев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»**, Ўзбекистон ССР Госплани иккинчи бўлимининг бошлиғи Шавкат Сафоевич **Зуфаров**, Ўзбекистон ССР Госплани моддий баланслар ва тақсимлаш планлари бўлими бошлиғининг ўринбосари Рубен Суренович **Миносьянц**, Ўзбекистон ССР Госплани ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи Мария Аркадьевна **Осетрова**, Ўзбекистон ССР Госплани машина-ускуналар ва кабель маҳсулоти бўлимининг бошлиғи Жаҳонгир Кўчқорович **Самигов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонлари берилди.

Республика план органларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми касаба союз органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги, область корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини яхшилаш ишига шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун Тошкент область касаба союзлари Совети меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг мудири, бош техника инспектори ўртоқ Семён Борухович **Холодовский**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвони берди.

ҲИНД ГРАМПЛАСТИНКАЛАРИ ДЕКАДАСИ

«Граммофон компани оф Индия» фирмаси грампластинкаларга ёзиб олган халқ куйлари ва замонавий куйлар, машҳур композиторларнинг асарлари шу йил июнь ойида Тошкентда янграйди. Бу ерда Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси ташкил этган ҳинд грампластинкалари декадаси ўтказилади.

Декада программасига биноан пойтахтдаги Кооператорлар уйида пластинкалар кўргазмаси ўтказилади, ҳиндистонлик меҳмонлар республика бўйлаб сафарга чиқадилар, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари билан учрашадилар. Декада совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги анъанавий дўстликни, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, музика муҳлисларига Ҳиндистоннинг ўзига хос санъати билан яқиндан танишиш учун имконият яратишнинг яна бир далили бўлади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга оширамиз

ЮТУҚЛАР ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездга Ҳисобот докладида ўн биринчи беш йилликда ҳамда 1990 йилгача бўлган даврда мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини мумкин қадар қисқа муддатларда ҳал этмоқ учун махсус озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилишини таъкидлади. Районимиз партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, барча меҳнаткашлари бу тарихий ҳужжатларни кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар, ўзларининг фаолиятлари учун жанговар программа сифатида қабул қилдилар.

Районимиз сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган. Пойтахт Тошкент шаҳри аҳолисини йилнинг тўрт фаслида сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, сут, гўшт ва бошқа хил маҳсулотлар билан тўлароқ таъминлашдек шарафли вазифани бажаришга муносиб ҳисса қўшиш район меҳнат аҳлининг асосий вазифасидир. Бугина эмас, деҳқонларимиз етиштираётган хилма-хил, ширин-шакар маҳсулотлардан Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг ишчи-хизматчилари, БАМ қурувчилари, Қозоғистон ғаллакорлари ҳам баҳраманд бўлаётганликларидан чексиз ҳурсандмиз.

Районимиз ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш борасида катта зафарларга эришганлигини мамнунлик билан таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўтган беш йилликда аҳолига пландаги 400.300 тонна ўрнига 554.908 тонна сабзавот, 48.327 тонна картошка, 324 минг тоннадан зиёд мева. 23 минг тоннадан кўпроқ узум етказиб берилди. Шунисн қувончлики, давлатга картошка, сабзавот, дон, мева сотиш беш йиллик планлари тўрт йилда ортиғи билан бажарилди.

Энди чорвачиликка назар ташлайлик. Чорва молларнинг зоти яхшиланяпти. Сут-товар фермалари, чорва комплекслари ўқимишли, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланяпти. Шуниси характерлики, чорвачилик партия ташкилотлари мунтазам шуғулланадиган тармоқ бўлиб қолди.

Натижа шунга яраша бўляпти. Ўтган беш йилликда чорвадорларимиз давлатга 17.592 тонна ўрнига 23.434 тонна гўшт, 35.157 тонна ўрнига 43.687 тонна сут, 233 миллион дона ўрнига 260 миллион 375 минг дона тухум етказиб бериб, районимиз чорвачилиги тарихида биринчи марта шундай юксак кўрсаткичга эришдилар.

1980 йилда барча турдаги маҳсулотлар тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажаришда эришилган катта ютуқлар инобатга олиниб, районимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Юксак мукофот янги зафарларга чорламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездининг резолюциясида «Съезд партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг зиммасига гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга алоҳида эътибор бериш, чорвачиликнинг интенсив методларини жорий этиш вазифасини юклайди» дейилган. Бу йўл-йўриқ барча чорвадорларимиз учун жанговар программадир.

Биз деҳқончилик билан чорвачиликни бир-бирига боғланган ҳолда ривожлантирмоқдамиз. Районимиз территориясида янгидан ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритиладиган ер деярли қолмади. Шундай экан, бош вазифа мавжуд экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш йўли билан озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишдан иборатдир. Район партия комитети айнан шу йўналишда иш кўрмоқда.

Районимиздаги Оржоникидзе номли колхоз гектаридан 314 центнердан сабзавот, Калинин номли колхоз 160 центнердан картошка хирмони кўтаряпти. «Москва» колхози, «Партия XXI съезди», «Хасково», «Бўзсув» совхозларида ҳам ҳосилдорлик юқори бўляпти.

«Бўзсув» совхози сабзавоткорлари помидордан, «Партия XX съезди», Свердлов номли совхозлар деҳқонлари карамдан муттасил юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Оржоникидзе номли колхознинг Йўлдош Иброҳимов бошлиқ бригадаси помидор экилган майдоннинг ҳар гектаридан 1010 центнердан ҳосил олиб, рекорд кўрсаткичга эришди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Район партия комитети маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришда фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамиз бир қанча районлари қаторида бизнинг районимиз меҳнаткашларининг ҳам 1985 йилда гўшт етиштиришни 14 минг тоннага, сутни 25 минг тоннага, тухумни 135 миллион донага етказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Бунинг учун фермаларда сигирлар сонини умумий қорамоллар сонига нисбатан 50 процентга етказмоқчимиз, қўйлар, эчкилар, чўчқалар, паррандалар сонини 1,5 — 2 баравар кўпайтирмоғимиз керак. Насл олишни яхшилаш, урғочи чорва молларни ўстиришга тўла сақлаб қолиш, чиқим йўлларини бутунлай беркитиб ташлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Биз кун тартибига гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 550 килограммга, чўчқани 120 килограммга, қўйнинг тирик вазнини 60 килограммга етказиш, матлубот кооперацияси ва ёрдамчи хўжаликлар йўли билан 1700 тонна гўшт тайёрлаш масаласини қўйганмиз. Партия ташкилотларимиз, барча коммунистларимиз ва меҳнаткашларимизнинг куч-ғайратлари, билим-тажрибалари ана шу вазифани муваффақиятли ҳал этишга қаратилмоқда.

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларида ўн биринчи беш йилликда, хусусан 1981 йилда эгаллашимиз лозим бўлган марралар аниқ белгиланди. Бизнинг районимиз шу йилнинг ўзидагина давлатга 130 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 12 минг тоннадан зиёд картошка топширади, 8.590 тонна гўшт, 15.100 тонна сут, 80.900 минг дона тухум етиштиради. Нишонга олган маррага етмоқ учун сабзавот ҳосилдорлигини гектар бошига 310 центнерга, картошкани 160 центнерга етказмоғимиз, ҳар бош сигирдан 4.200 килограммдан сут соғиб олинишини таъминламоғимиз, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 550 килограммга етказиб гўштга топширмоғимиз керак.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари белгиланган топшириқларни бажармоқ учун жуда катта меҳнат сарфламоқлари талаб этилади. Албатта, бу юксак марралар эгалланишига ҳеч шубҳа йўқ. Бунинг учун ички резервларни тўла сафарбар этмоғимиз, социалистик мусобақани кучайтирмоғимиз, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминламоғимиз, меҳнат интизомини мустаҳкамламоғимиз керак. Ўртаги экин экиш ниҳоясига етай деб қолди. Энди кечки экинлар экишга пухта тараддуд кўрмоғимиз керак. Илғор хўжаликларда экинлар парваришини кизитиляпти. Чорвадорлар маҳсулотларни тайёрлов ташкилотларига уюшқоқлик билан топширишяпти.

Район партия комитети КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида баён этилган вазифаларни пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали меҳнаткашларнинг онгига сингдириш ҳақида қайғурмоқда. Кўп сонли агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар ва идеология фронтининг бошқа ходимлари катта тарғиботчилик ишлари олиб боришяпти. Партия ташкилотларимизнинг фаолиятига баҳо берганда етиштирилган маҳсулотларнинг миқдор ва сифати, планлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум. Шундай экан, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, коммунистик қурилиш вазифаларини шараф билан бажариш учун барча имконият ва резервларни ишга солаверамиз.

Р. ҚАМБАРОВ,

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

5 май куни Москвада «Ишчилар синфи ва монополияларга қарши кураш проблемалари» мавзуида ўтказилган халқаро конференция ўз ишини тамомлади. Юздан ортиқ мамлакат вакиллари — таниқли олимлар, халқаро ишчилар ҳаракатининг арбоблари, касаба союзларининг раҳбарлари икки кун давомида меҳнаткашларнинг монополиялар зўравонлигига, зўр бериб қуролланишга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши масалаларини муҳокама қилдилар.

Ишчилар ҳаракати, деб таъкидлашди конференция қатнашчилари, милитаристик кучлар зўравонлигини тўхтатиш ва жиловлаш, жаҳон термоядро можароси хавфининг олдини олиш, халқаро кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнаши лозим.

Конференция қатнашчилари КПСС XXVI съездида ўртага қўйилган совет тинчлик ташаббусларини юксак баҳоладилар.

Конференцияни ВЦСПС ва СССР Фанлар академиясининг Халқаро ишчилар ҳаракати институти ташкил этган эди.

(ТАСС).

ЗАМОНАМИЗ КИНОЙИЛНОМАСИ

ВИЛЬНЮС, 6 май. (ТАСС мухбири). Баҳорги жўшқин Нерис дарёсида барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари акс этмоқда. Шу май кунларида Литва пойтахти кўп миллатли совет кино санъатининг марказига айланди. Бу ерда XIV Бутуниттифоқ кинофестивали бошланди.

Ташкилот комитетининг раиси, Литва ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Чеснавичус байрамни оча туриб, партиянинг тарихий XXVI съезди бўлиб ўтган йилда очилган бу галги конкурс кино санъатини янада юксалтиришда катта роль ўйнайди, республиканинг ҳамда бутун мамлакатимизнинг сиёсий ва маданий ҳаётида сезиларли из қолдиради, деб ишонч билдирди.

Ўтган йили коммунистик қурилиш кўламини, замондошимизнинг жонли образини муносиб акс эттираётган совет кино санъатининг кўпгина йирик асарлари вужудга келди, деб таъкидлади ўз нутқида СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Ермаш. Бу галги кўрик илгари ўтказилганларига нисбатан янада ваколатли бўлади. Кинофестиваль программасида конкурсга қўйиладиган ва ўнинчи беш йиллик мобайнида суратга олинган юздан ортиқ бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар ва 30 дан ортиқ янги конкурсдан ташқари картиналар бор. Кино байрамида мамлакатимиз экран усталаридан 400 киши ва қардош социалистик мамлакатлар кино санъатининг вакилларидан иборат кўплаб меҳмонлар бор.

СССР Кинематографиячилар союзи правлениесининг секретари, СССР халқ артисти В. Санаев фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларни СССР Кинематографиячилар союзи номидан кино байрами очилиши билан табриклади. Кеча охирида Литва санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

ХАЛҚАРО МУЗИКА ФЕСТИВАЛИ

Санъатнинг тинчлик ва тараққиёт идеалларини қарор топтиришдан, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан, ўзимиз яшаб турган замон тўғрисидаги ҳақиқатни одамлар онгига етказишдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Ана шу ғояга бағишланиб 5 май куни Москвада СССРда биринчи халқаро музика фестивали тантанали суратда очилди.

Фестивалнинг «Музика — инсонпарварлик учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашда» деган олижаноб шиори барча қитъалардаги 25 мамлакатнинг атоқли музикачиларини совет пойтахтига тўплади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқаро музика фестивали қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномаси давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Табрикномани фестиваль ташкилот комитетининг раиси, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи-секретари Т. Н. Хренников ўқиб эшиттирди. У фестивалнинг барча қатнашчилари ва меҳмонлари номидан яхши сўзлари ва эзгу тилаклари учун Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди.

Бир ҳафта давомида чуқур фикр-ўйлар ва ҳис-туйғулар ифодаланган музика билан, замонамиз музикаси билан сон-саноқсиз учрашувлар бўлади.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

И. ГАНДИ САФАРИ

ДЕҲЛИ, 5 май. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди бугун 9 кунлик чет эл сафарига жўнаб кетди. Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Швейцарияда бўлиб, Женевада жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сессиясида сўзга чиқади, сўнгра Қувайт ва Бирлашган араб амирликларига расмий визит билан боради.

Ҳукумат доираларига яқин бўлган «Нэшнл геральд» газетасининг ёзишича, Индира Ганди Форс кўрфази зонаси давлатларининг раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Музокаралар давомида, жумладан, мазкур регионда вужудга келган вазият, Эрон — Ироқ можароси, Яқин Шарқдаги аҳволга тааллуқли кенг доирадаги масалалар муҳокама қилинади.

Музокараларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Форс кўрфази ва Ҳинд океани районида хавфсизликни таъминлашга қаратилган таклифларини муҳокама қилиш асосий ўринни эгаллайди. Ҳиндистон Бош министри яқинда Дибайда чиқадиган «Халиж таймс» газетасининг мухбири билан суҳбатда Л. И. Брежнев 1980 йилнинг декабрида Ҳиндистонга қилган визити вақтида ўртага қўйган ташаббуслар ғоят зўр эътибор билан ўрганишга лойиқдир ва мен бу ташаббусларни араб давлатларининг раҳбарлари билан муҳокама қилиш ниятидаман, деди.

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

БОНН. Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар, шу жумладан профессорлар Р. Хикель, Й. Хуфшмид ва Г. Шуи Бонида тарқатган ҳужжатларда таъкидланишича, Американинг ялпи экспансия сиёсати гирдобига ГФРнинг ҳам тортилиши, мамлакат экономикасининг милитарлаштирилиши Европадаги ва бутун дунёдаги тинчлик учун хавф-хатарни кучайтирмоқда.

«Биз, врачлар ўз масъулиятимизни англаб, одамларга: «бизга ҳалокат рўй берган пайтда» асқотадиган медицина керак эмас, бизга тинчлик сиёсати керак», — деб айтишимиз лозим, деб таъкидлади Франкфурт-Майндаги медицина доктори Э. Гирт.

ЛИССАБОН. «Ядро можаросининг чиқиши бутун инсоният учун ҳалокат бўлур эди. Атом урушида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди. Ҳозир тўпланган қурол-яроғ ер юзидаги цивилизацияни бир неча бор яксон қилиш учун етарлидир. Шу сабабли тинчлик, қуролсизланиш учун ва кескинликни юмшатиш учун курашни кучайтириш тараққийпарвар кучларнинг, холис ниятли барча кишиларнинг энг муҳим вазифасидир», — деди атоқли португал олими, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги мутахассис Жозе Гашпар Тейшейра ТАСС мухбири билан суҳбатда. Қуролланиш пойгасини кучайтиришнинг, аввало оммавий қирғин воситаларини кўпайтиришнинг ҳалокатли хавфини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган илм-фан арбоблари зиммасига бу курашда алоҳида масъулият тушади, деб таъкидлади у.

«Мен турли мамлакатларнинг энг таниқли олимлари иштирокида халқаро комитет тузиш тўғрисида Л. И. Брежнев таклифини табриклайман. Мана шу мўътабар комитет ядро ҳалокатининг олдини олиш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб бериши ва ўз хулосаларидан бутун дунё аҳлини хабардор қилиши мумкин бўлур эди».

ОЛИМЛАР ЯДРО БИЛАН ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИГА ҚАРШИ

●

ВЕНА. Ядро уруши бутун инсоният учун фалокатли оқибатларни келтириб чиқарган бўлур эди, — деб ёзади медицина соҳасидаги таниқли австриялик мутахассис Э. Штрассер «Эстеррайхише эрцтецайтунг» газетасида босилган мақоласида.

Сўнгра у озгина миқдордаги радиация ҳам рак шишларини келтириб чиқаришини уқтиради. Бунга яна шуни ҳам илова қилиш керакки, ядро бомбаси портлаши натижасида атроф муҳит радиоактив моддалар билан зарарланиб, инсон ҳаёти учун ҳаддан ташқари хатарли оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, атом можароси, деб хулоса чиқаради австриялик олим, қай миқёсда бўлишидан қатъи назар, ажал уруғини сочади ва инсоният цивилизациясини вайрон қилади. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

САН-ФРАНЦИСКО. Америка илм-фан аҳли ядро аслаҳахоналари ҳеч бир назоратсиз кенгайиб бораётганлиги хусусида тобора кўпроқ безовталик изҳор этмоқда. Бу йўл, деди ташвишга тушган олимлар иттифоқи оммавий ташкилотининг раҳбарларидан бири Пол Уокер ТАСС мухбирига, АҚШ ва Совет Иттифоқининг, шунингдек барча мамлакатларнинг хавфсизлигини таҳлика остида қолдиради. Шу сабабли АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатлар музокаралар йўлига ва халқаро проблемаларни ҳал этишнинг ўзаро мақбул оқилона имкониятларини қидириб топиш йўлига ўтказилиши жуда муҳимдир. Аввало, ядро қуролланиш пойгасини жиловлаш зарур.

Совет раҳбари Л. И. Брежневнинг ядро ҳалокатининг олдини олиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатиб бера оладиган мўътабар халқаро комитет тузиш тўғрисидаги ташаббуси ижобий аҳамиятга эгадир.

ОТТАВА. Канадалик олимлар қуролланиш пойгасига қарши, ядро ҳалокати олдини олиш йўлидаги курашда олимлар жаҳон ҳамжамиятининг актив иштирок этиши учун курашмоқдалар.

Кейинги вақтларда биз халқаро муносабатлар ёмонлашиб бораётганини кўриб турибмиз. Мана шундай шароитда ҳалокатга тойиб кетилишига қарши кураш инсониятнинг бош вазифаси бўлиб қолди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Торонто университетининг профессори Ли Лорч.

Баъзи кимсалар «чекланган ядро уруши» тўғрисида гап сотмоқдалар, одамларни оммавий равишда қирғин қилиш ва кўп авлодларнинг бунёдкорлик меҳнати самараларини барбод этиш ғоясини ўтказиб олишга интилмоқдалар, деб таъкидлади у. Агар «чекланган ядро уруши» деб аталган уруш чекланмаган урушга айланиб кетгудек бўлса, эҳтимолки, вайрон бўлган дунёни қайта қурадиган зот топилмас. Олимлар мана шу хавф-хатарни тобора равшанроқ фаҳмламоқдалар.

Мен, дейди Торонто университетининг профессори Хэнс Блюменфелд, Л. И. Брежневнинг турли мамлакатларнинг энг таниқли олимлари иштирокида ядро ҳалокатининг олдини олиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатиб бера оладиган мўътабар халқаро комитет тузиш тўғрисидаги таклифини қатъият билан қўллаб-қувватлайман. Ядро уруши қандай оқибатларга сабаб бўлишини олимлар бутун дунёга тушунтириб беришлари мумкин ва лозим.

Башарти қуролланиш пойгаси ўз вақтида тўхтатиб қолинмаса бу хатарли жараённинг кучайиши муқаррар равишда ҳалокатга олиб боради, деб уқтирди профессор. Олимлар ядро билан қуролланиш пойгасига қарши, қуролсизланиш учун курашда актив қатнашишлари мумкин ва лозим.

(ТАСС).

Тўнтаришга уриниш

Боливияда ўнг Боливия социалистик фаланга раиси Карлос Вальверде Барбери бошчилигида шу ташкилот амалга оширган тўнтаришга уриниш барбод қилинди.

Исёнчилар «Оксидентл петролеум» компаниясининг Санта-Крус шаҳридан 180 километр шимоли-шарқда жойлашган «Тита» нефть омбори территориясига бостириб кириб, 50 дан ортиқ кишини гаровга олдилар ва генерал Луис Гарсия Меса бошчилигидаги ҳозирги ҳукумат истеъфо беришини талаб қилдилар.

Исённи бостириш учун ҳукуматнинг махсус вазифаларни бажарувчи қўшинлари юборилди. Исёнчилар операция вақтида тор-мор қилинди. Армия дивизиясининг командири генерал Гарри Прадо ва бошқалар ярадор бўлдилар. Гаровга олинган кишилардан ҳеч ким зарар кўрмади. Маъмурлар исёнчилар билан алоқадор эканликда шубҳаланилган бир қанча кишиларни қамоққа олдилар. (ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕРЛИН. Шу беш йиллик бошланиши биланоқ ГДР кемасозлари кемаларнинг янги типларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришдилар.

Варнемондаги «Варновверфт» кемасозлик корхонасининг конструкторлари билан технологлари «Меркур-2» типидаги контейнер ташиш кемасининг такомиллаштирилган нусхасини яратишга киришдилар.

ПРАГА. Прага яқинидаги авиация ва космонавтика музейида янги экспонат пайдо бўлди. Бу ерда СССРнинг космонавт-учувчиси А. Губарев билан Чехословакиянинг тадқиқотчи-космонавти В. Ремекдан иборат составдаги халқаро экипаж космосга парвоз қилган «Союз-28» космик кемасининг туширилувчи аппаратини музейга топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда музей фондларига топширилган экспонатлар Чехословакиянинг космик фазони ўрганишга қўшган ҳиссасини ифодалайди. Бу ерда Чехословакияда ишлаб чиқарилган ҳамда «Интеркосмос» йўлдошларига ўрнатилган приборларнинг бир қанча нусхалари, космонавтларнинг анжомлари кўргазмага қўйилган. (ТАСС).



ОБЪЕКТИВДА — ПОРТУГАЛИЯ

Суратда: балиқчилар кемалари океан соҳилида. В. Кошевой фотоси. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДАМАШҚ. Бу ерда Сурия деҳқонлари умумий федерациясининг V съезди ўз ишини тамомлади. Мамлакатнинг барча аграр районларидан делегатлар бўлиб келган вакиллар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқда кооператив ҳаракатни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни етти кун муҳокама қилдилар.

МАПУТУ. Мозамбик пойтахтида Африка жанубидаги мустақил мамлакатлар транспорт ва коммуникациялар комиссиясининг координацион мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари ўз нутқларида бу соҳада ёш давлатларнинг ҳамкорлик қилиши шу регионнинг мустақил экономикасини ривожлантиришга ва халқларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам беради, деб таъкидладилар.

МАНАГУА. Миллий тикланиш ҳукуматининг раҳбарлик кенгаши Никарагуа халқига Сомоса диктаторлик режимидан мерос қолган меҳнат ҳақидаги қонунни ислоҳ қилажагини эълон қилди.

КАТМАНДУ. Мамлакатнинг жанубидаги Биратнагар шаҳрида жойлашган «Рагхупати» жут фабрикасининг иш ташлаган ишчиларини тарқатиб юбормоқ учун полициячилар ўт очиши натижасида бир киши ўлдирилди, беш киши жиддий жароҳатланди. Забастовка қатнашчиларидан 25 киши қамоққа олинди.

(ТАСС).

ЯНГИ БОСҚИЧ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланган, тенг ҳуқуқли бўлмаган шартлар ва протексионизм сиёсатидан холи бўлган Совет—Ҳиндистон савдо-сотиқ муносабати Ҳиндистон миллий экономикасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда, деб ёзади «Линк» журнали.

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ўтган йил декабрь ойида Ҳиндистонга қилган расмий визити ва шу визит вақтида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Совет—Ҳиндистон битими имзоланганлиги иккала мамлакат ўртасида ўзаро фойдали савдо-сотиқнинг янги истиқболларини очиб берди. Бу битим савдо-сотиқнинг анъанавий соҳаларини кенгайтирибгина қолмай, шу билан бирга ҳар иккала мамлакатнинг экономика соҳасидаги баҳамжиҳат ҳаракатида янада кенг истиқболларни белгилаб берди ҳамда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро манфаатли дўстона муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди».

МАДРИД УЧРАШУВИДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган 35 давлат вакилларининг Мадрид учрашуви 5 майда Испания пойтахтида яна иш бошлади.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ильичев учрашувнинг ялпи мажлисида сўзга чиқиб, учрашувни муваффақиятли тугаллаш учун Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида, ҳатто ҳар хил томонлардан ва турли позицияларда туриб бўлса ҳам, муттасил олға силжиш лозим эканини айтди. Учрашувдаги ишларнинг аҳволи, деб уқтирди совет делегати, у иш бошлаган дастлабки кунларга нисбатан, гарчи суст ва нотекис бўлса ҳам, ҳар ҳолда силжиш борлигидан яққол далолат бериб турибди. Ҳақиқатда якунловчи актнинг ҳамма бўлимлари юзасидан, айниқса бир қанча ғоят мураккаб масалалар юзасидан ўзаро мақбул аҳдномаларга келиш йўли топилди ёки мана шундай аҳдномаларнинг қиёфаси аниқланди, бу эса Умумевропа жараёнининг ривожида ижобий роль ўйнаши мумкин.

Ялпи мажлисда ПХР ва ГФР делегацияларининг бошлиқлари ҳам сўзга чиқдилар.

АҚШ ШИМОЛИДА ҚУРҒОҚЧИЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 5 май, (ТАСС). АҚШнинг шимолида қаттиқ қурғоқчилик уч йилдан буён давом этмоқда. Қурғоқчилик Монтана, Жанубий ва Шимолий Дакота, Миннесота штатларининг катта территорияларига ёйилган. Шу йиллар мобайнида бу штатларда атиги 150 миллиметр ёмғир ёғди, бу эса бир йилдаги нормадан ҳам қарийб олти баравар камдир. Мутахассисларнинг фикрича, бу йилги қурғоқчилик ўттизинчи йиллардаги кучли қурғоқчиликни эслатади. Ўша пайтда минглаб фермерлар ҳосил унмаганлигидан хонавайрон бўлган эди. Башарти бу йил нормал миқдорда ёмғир ёққанда ҳам шу штатларда донли экинларнинг ҳосили ўртача йиллик миқдорнинг атиги 40 процентини ташкил этиши амри маҳол.

«Эркин дунё» қиёфаси

ИШГА МУҲТОЖ ВРАЧЛАР

Кейинги пайтларда Буюк Британиянинг меҳнат биржаларида турли касбдаги, турли тоифадаги одамлар орасида врачлар ҳам кўпайиб кетди. Бошқаларга ўхшаб уларнинг ҳам истаги бирор ишга жойлашиб олиб, лоақал тирикчилик учун зарур бўлган маблағ топиш ва албатта биринчи галда муҳтожлик балосидан қутулишдир.

Бундай аҳволни кўрган ёки газеталарда ўқиган кишида ҳаққоний бир савол туғилади. Хўш, Англияда врачлар сони талаб қилинган даражадан ортиб кетганмикин? Асло ундай эмас, акс ҳолда мамлакатда врачлар мутлақо етишмайди. Буюк Британия медицина ассоциациясининг яқинда берган маълумотига қараганда, бу ерда миллий соғлиқни сақлаш даражаси ғоятда аянчли аҳволга тушиб қолган. Медицина муассасалари ва даволаш пунктларида малакали врачларга бўлган талаб жуда катта. Шундай бир пайтда медицина ўқув юртлари ва коллежларини битириб чиққан ёшлар иш қидириб сарсон-саргардон бўлмоқдалар.

Сўнгги йилларда Англияда медицина тармоқларини маблағ билан таъминлаш, унинг зарур эҳтиёжлари учун пул ажратиш ишларига мутлақо бефарқ қаралмоқда. Натижада баъзи медицина муассасалари ёпиб қўйилмоқда, баъзиларининг штатлари кескин қисқартирилмоқда. Бинобарин, кўпчилик медицина ходимлари ишдан бўшатилмоқда. Масалан, ўтган 1980 йилда мамлакатдаги врачларнинг учдан икки қисми ишсиз бўлиб қолган. Шундай экан, шўрлик қурғур врачлар қаёққа ҳам боришсин? Албатта бирор умид билан меҳнат биржаларига йўл олмоқдалар.

Британия медицина ассоциацияси ўз докладида консерваторлар ҳукумати бу билан инсон ҳуқуқларига қарши аёвсиз ҳужумни янада кенгроқ давом эттираётганини, эндиликда гал врачларга келганлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Ҳозир мамлакатда ҳукуматнинг соғлиқни сақлаш ишларига давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг камайтирилишига қарши кескин ҳаракат кучайиб кетди. Чунки бу соҳада консерваторлар олиб бораётган сиёсат соғлиқни сақлаш ишларини ғоятда аянчли аҳволга солиб қўйди.

„ЎЗБЕКИСТОН“ МЕҲМОНЛАРИ

ДЕНГИЗЧИЛАР ҲАЁТИДАН

Бу оқшом Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг ишчилари ёдида мангу қолади. Шу куни улар Қора денгиз пароходчилиги ташкилий бўлим бошлиғининг ўринбосари В. Мельников раҳбарлигидаги «Ўзбекистон» теплоходи экипажининг бир группа денгизчиларини карнай-сурнайлар садоси остида кутиб олдилар.

Металлурглар маданият саройига кираверишда меҳмонларга баҳор гуллари ва нон-туз тутилди. Денгизчилар оталиқ ташкилоти кишиларига Қора денгиз ва Мармара денгизи кенгликларидаги сафарлар, чет эл туристларининг «оқ олтин» ўлкасига бўлган қизиқишлари ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар. Ўз навбатида мезбонлар комбинат ва унинг илғор ишчилари билан яқиндан таништирдилар. Олмос билан ишлов бериш цехида мазмунли суҳбатлар бўлди. Меҳмонлар металл кукунлардан ўтга чидамли нозик симларни бунёд этаётганларга таҳсин ўқидилар.

Маданият саройи саҳнасида меҳмонларга бағишланган катта концертда чирчиқлик металлурглар денгизчиларни яна даврага олдилар. Ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари мароқли ва мазмунли ўтди. Доиранинг усули, миллий қўшиқлар, замонавий эстрада оҳанглари, ўзбекча хиромон рақслар денгизчиларда яхши таассурот қолдирди.

Комбинат директори, КПСС XXVI съезди делегати П. Мақсудов ва «Ўзбекистон» теплоходи капитанининг катта ёрдамчиси В. Андрюшченко тантанали суратда ижодий ҳамкорлик ва социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжатда ҳар икки томон делегацияларининг денгизчилар ва металлурглар ҳаётидаги муҳим воқеа — шу йил ноябрь ойида комбинатнинг 25 йиллик юбилейи ҳамда 1982 йили августида теплоходнинг 20 йиллигига бағишланган маросимларга вакиллар юбориш ва қабул қилиш кўзда тутилди. Шунингдек, фотостендлар, турли ахборотлар, тайёрлаш, ҳаваскорлик фильмларини суратга олиш, завод профилакторийси ҳамда денгиз кемасида дам олиш учун имконият яратилади. Комбинатнинг эстрада ансамбли теплоходда ўзбекистонлик туристлар қатори сафарга чиқади.

— Ўзбекистон бўйлаб сафаримиз муваффақиятли ўтди, — дейди теплоход радисти Анатолий Верин. — Ҳамма ерда бизни мамнун кутиб олдилар. Бизга оталиқ ёрдами кўрсатаётган ташкилотлар яна биттага кўпайганидан мамнунмиз. Энди чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг Самарқанд бўлими ҳам бизга кўмаклашадиган бўлди. Бўлим активистлари чет эл туристлари ўртасида интернационал дўстлик ишларини йўлга қўйишимизда бевосита ёрдам кўрсатмоқдалар.

— Биз пахтакор ўлкада кўп нарсани кўрдик ва ўргандик, — деб гап бошлади теплоходнинг умумий овқатланиш хизмати ходими, комсорг Людмила Подмазко, — Мен ўз касбимга кўра миллий таомлар тайёрловчи пазандалар иши билан кўпроқ қизиқдим. Ўзбекистон давлат филармониясининг артистлари миллий рақс усулларини менга ўргатдилар. Чунки, ўзим ҳаваскорлик ансамбли иштирокчисиман.

Меҳмонлар Тошкент областининг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози далаларида бўлдилар. Маълумки, Ленин орденли бу пахтачилик хўжалигининг коллективи бир неча йилдан бери «Ўзбекистон» теплоходи денгизчиларига оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. Денгизчилар совхоз музейи ва стадионини, қишлоқ марказини, дала шийпонларини кўздан кечирдилар.

«Ўзбекистон» денгизчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Улар чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига ташриф буюрдилар. «Правда Востока» редакциясида меҳмон бўлишди.

Меҳмонлар сафарининг сўнгги куни «Ўзбекистон» кемаси Констанцадан Одесса портига қайтиб келганлиги маълум бўлди. Биз телефон орқали кема борти билан боғландик. Капитан В. Рихтер оталиқ ташкилотларининг денгизчиларга кўрсатган меҳмоннавозлиги ва эътибори учун миннатдорчилик билдирди. Бундай алоқалар денгизчилар билан ишчи ва деҳқонлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

А. НИЗОМОВ.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 36 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Редакция почтасини ўқиб

ЙЎЛЛАРИГА КЎЗ ТИКИБ

РАҲМОНОВЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ?!

Газетамизнинг шу йил 29 март сонида 54-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 160-ўқчи полки 1-ўқчи батальонининг собиқ парторги Дмитрий Волошиннинг «Раҳмоновни билган борми!» сарлавҳали хабари босилиб чиққан эди. Унда Д. Волошин ҳамюртимиз Раҳмоновни излаётганини [исми эсида йўқлигини] маълум қилиб, «Эҳтимол, сизнинг республикангизда Раҳмонов фамилияли гражданлар кўпдир, лекин у бизнинг қисмимизда ягона эди», — деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам республикамизда Раҳмонов фамилияли кишилар кўп экан. Буни мазкур хабар юзасидан олинган мактублар яққол тасдиқлаб турибди.

Хатлардаги ҳаяжонли сатрларни ўқир экансиз, биров ўғлини, биров отасини, яна биров акаси ва укасини, дўсти ва қариндош-уруғини, тоғаси ва амакисини ҳалиям сабрсизлик билан кутаётганининг шоҳиди бўласиз. Урушнинг тугаганига ҳам ўттиз олти йил бўлди, лекин одамлардаги ишонч ва умид алангалари сира сўнмаган. Газетада «Раҳмоновни билган борми?» сарлавҳали хабар босилиб чиққандан сўнг шу фамилияли ҳар бир киши, ҳар бир хонадон аъзоси бир қалқиб тушиши турган гап!

— Мақолага кўзим тушди-ю, қўлимга қалам олдим, — деб ёзади Ургут районидаги «Ургут» совхозидан Ш. Хўжамова. — Раҳмонов йигирма иккинчи йилда туғилган. Қирқ иккинчи йилда урушга кетиб, лекин қайтиб келмаган. Бедарак йўқолган. Унинг қайси дивизияда жанг қилгани бизга номаълум. Сизлардан илтимос — Собир Раҳмоновни топишда ёрдам берсангизлар. Унинг отаси Шарип Раҳмонов ва онаси Ойсулув Назаровалар ҳамон ўғлини кутишмоқда!..

Гарчанд ургутлик Раҳмонов газетада хабар қилинган Раҳмонов бўлмаса-да, юқорида айтганимиздек, кишиларда умид учқунлари сўнгани йўқ. Бекобод районидаги Зафар посёлкасида истиқомат қилувчи Ўктамжон Раҳмонов йўллаган мактубида ёзади: «Бизнинг акамиз Юсуф Раҳмонов 1942 йилда Улуғ Ватан урушига Бекобод районидан чақирилган. Бир-икки йил хат-хабар келиб турган, кейин эса хат келмай қолган. Уруш ҳам тугади, лекин акамиздан дом-дарак бўлмади. Ота-онамиз умрларининг охиригача ҳам акамиз йўлига кўз тикиб, армон билан оламдан ўтдилар. Биз, ака-укалар ҳали ҳам акамиз ҳақида бирон хабар топиш умидида матбуотни, «зангори экран» орқали намойиш этиладиган «Ватанпарвар» туркум кўрсатувларини, уруш қатнашчиларининг хотираларини тинглаб, кузатиб борамиз. Яқинда газетадаги мақолани ўқиб қолдик. Хабардаги айрим маълумотлар акамиз ҳақида биз билган маълумотларга айнан ўхшайди. Акамиз 1922 йилда туғилган, гвардиячи ўқчи дивизияда хизмат қилган. Бу мақола бизнинг умидларимизни янгилади».

Ҳа, ишонч ва умидворлик йиллар оша яшаб келяптики, совет кишиларига руҳ ва қанот бағишламоқда. Республикамиздан ҳаёт-мамот жангига кетиб, қайтиб келмаган Раҳмоновлар қанчадан-қанча, йўлларига кўз тикиб, уларни ҳамон кутаётган Раҳмоновлар хонадони қанчадан-қанча!.. Фарғона районлик И. Раҳмонов отасини, Уйчи районлик А. Раҳмонов акасини, Шаҳрисабз районлик С. Узокова тоғасини, андижонлик Д. Ҳайдарова амакисини қидираётганини ёзишса, ургутлик Б. Дўстматов, ҳазораслик С. Очилова, самарқандлик С. В. Ан, қамашилик Э. Хўжамов, сирдарёлик С. Холбоева ва бошқалар эса шу жойларда Раҳмонов фамилияли собиқ жангчилар яшаб турганини маълум қилишади.

Редакция почтасидаги бир туркум хатлар Раҳмонов фамилияли собиқ жангчилардан олинган. Шуларнинг қайси бири Д. Волошин излаётган Раҳмонов бўлади? Афсуски, улар ўз хатларига газета хабаридаги маълумотларни тасдиқловчи бирорта ҳам ҳужжатни илова қилишмаган. «Мақолада келтирилган саналар менинг таржимаи холимга ўхшаб кетади, — деб ёзади Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда яшовчи Самандар Раҳмонов. — 1945 йил апрель ойи бошларида КПСС сафига қабул қилиндим. 16 апрелда Одер бўйида иккинчи марта ярадор бўлиб, госпиталга тушдим. Тузалиб чиққач, яна ўз қисмимизга қайтиб бориб, Берлинни озод қилишда қатнашдим». Когон районидаги «Коммунизм» колхозида истиқомат қилаётган Жалил Раҳмонов ҳам ўз мактубида қирқ бешинчи йилда партия сафига ўтганлигини, «Максим» пулемётчиси бўлганлигини хабар қилса, Оқдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозида яшовчи Далим Раҳмонов эса ёзади: «Мен 1922 йилда туғилганман. Улуғ Ватан урушида қатнашиб, қўлимдан, бошимдан, елкамдан яраланганман. Госпиталга тушиб, тузалиб чиқиб, қайта жангга кирганман. «Максим» пулемётида жанг қилганман». Шундай мазмундаги мактублар анчагина. Деҳқонобод районидан Менгли Раҳмонов, Қўрғонтепа шаҳридан Эгамберди Раҳмонов, Жарқўрғон районидан Бўри Раҳмонов, Ғиждувон районидан Шоди Раҳмонов, Шаҳрисабз районидан Шоймардон Раҳмонов, Самарқанд шаҳридан В. Раҳмонов ва бошқалар ўз хатларида «Д. Волошин қидираётган мен бўламан» деб ёзишади. Шундай бўлиши табиий. Чунки уларнинг ҳар бири Улуғ Ватан урушида иштирок этган. Фақат улар, эҳтимол, вақт ўтиши билан ўзлари жанг қилган дивизия ёки қисмлар номерини унутишгандир.

Собиқ парторг излаётган Раҳмонов ниҳоят, топилди. Бу киши Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида яшовчи Абсалом Раҳмонов бўлиб, яқинда редакциямизга 160-ўқчи полкнинг 1-ўқчи батальони «Максим» пулемёт расчётининг командирлигини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб келди. Учинчи даражали «Шуҳрат» ордени ва бир қанча жанговар медаллар кавалери Абсалом Раҳмонов ҳақиқатан 1945 йилнинг апрель ойида КПСС аъзолигига қабул қилинган, бир неча бор яраланган.

— Уруш давомида бизнинг қисмимиз, — деб ҳикоя қилади А. Раҳмонов, — Воронеж, Запорожье, Днепродзержинск, Днепропетровск, Кривой-Рог, Орлов шаҳарларини озод этишда, Польша, Чехословакия ва Германиядаги кўпгина шаҳарларни гитлерчилардан тозалашда қаҳрамонларча жанг қилди...

Юртдошимиз Абсалом Раҳмонов урушдан сўнг Москвада ўтказилган тарихий тантана — Ғалаба парадида иштирок этиш шарафига муяссар бўлди. Бугун эса унинг хотиралари яна янгиланди. Энди у Одессага телеграмма йўллаб, қуролдош дўсти қучоғига — дийдор кўришишга ошиқмоқда.

М. МУҲСИМОВ.

Раҳмоновни қидириб топишда ёрдамлашиш мақсадида редакцияга хат-хабар йўллаган ўртоқларга, ўз қуролдош дўстлари билан дийдор кўришиш иштиёқида хат йўллаган барча Раҳмоновларга самимий миннатдорчилик билдирамиз ва уларнинг илтимосларини эътиборга олиб, 160-ўқчи полкнинг 1-ўқчи батальонида жанг қилган Раҳмонов қумқўрғонлик Абсалом Раҳмонов эканлиги исбот қилинган бўлса ҳам Дмитрий Кириллович Волошиннинг адресини маълум қиламиз: Одесса области, Котовский шаҳри, Ткаченко кўчаси, 39-уй.

Янги шеърлар — ШУҲРАТ

САВОЛИНГГА ЖАВОБЛАРИМ

— Бахтингни қаёқдан топдинг, эй одам!
— Меҳнатим умримга бўлгандан ҳамдам!
— Шодлигинг боиси нима, эй одам!
— Меҳнат деб аталган энг шарафли дам!
— Орзуйинг ушалган қай кундан, эй жон!
— Меҳнатни ардоқлаб, севолганим он!
— Соф севгининг манглайин силаган нима!
— Меҳнат деб аталган гўзал оймўма!
— Истиқбол чироғин ёқиб берган ким!
— Меҳнатим, қўлларим ва доно халқим!
— Ҳаётинг йўллари бунчалик равон!
— Меҳнатим оширган довонма-довон!
— Бу обрў, шарафинг нимадан, эй жон!
— Меҳнатим туфайли ҳаркачон, ҳар он!
— Меҳнатинг қудрати ўзи қаёқдан!
— Эрк деган энг нурли сўлмас маёқдан!
— Бу маёқ қачондан ёнади порлоқ!
— Инқилоб туғилган лаҳзадан, ўртоқ!

ЖАНГЧИ ДЎСТИМНИ ЭСЛАБ

Сен ҳалок бўлгансан йигирма ёшда,
Йигирма ёшингда турибсан ҳамон.
Ҳамон сен чарақлаб кулиб қуёшда,
Булутли уфққа боқасан ёмон!
Булут-ку уфқдан тарқалган мангу,
Лекин сен уфққа боқасан ҳамон.
Уфқда ёришиб истиқбол тонгги,
Сокин бир манзилга отланган замон!
Ўттиз йил ўтибди ўшандан бери,
Ҳали ҳам турибсан ёниб қошимда.
Ҳали ҳам кетмайсан кўзимдан нари,
Ҳали ҳам турибсан ўша ёшингда.
Мен эса, сочларим оқариб бугун,
Неварам етаклаб юрибман боғда.
Айрилиқ алами бағримда тугун,
Юрагим ўртаниб ҳасратли доғда!
Сен ҳамон ёш йигит
Мен эса бир чол,
Чоллигинг кўрмоқни истардим, бироқ,
Афсуски сен қолдинг жуда ҳам йироқ,
Шу алам қаритди мени эҳтимол!

БУЮК ҚУДРАТ

Орзусиз юрагинг, дўстим, юракми,
Орзусиз юрагинг сенга керакми!
Орзусиз юрак у бир парча этдир
Сен уни кўксингдан чиқар, улоқтир!
Қўй, қалбинг вужудсиз қолгани яхши,
Қалби йўқ кишидир — орзусиз киши!
Орзу бу қанотдир сени учирган,
Чамандан чаманга эркин кўчирган!
Кўзингни ёндирган,
Меҳринг қондирган,
Ўзингни қуш каби ойган кўндирган!
Таъбингни яшнатган,
Нурга бошлатган,
Довондан-довонга одим ташлатган!
Ипакдан бўлади орзу қаноти,
Пўлатдан қаттиқдир лекин саботи.
Гул билан тўшалган йўли, излари,
Доимо манзилда ёниқ кўзлари!
Орзуга монанддир киши юраги,
Орзусиз юракнинг йўқдир кераги!
Қалбларнинг қувончи, қудрати орзу,
Ақлнинг камоли, ҳиммати орзу!!

ДУНЁ

Сен дунё талашдинг — кулди бу дунё,
Гоҳ йўлдан адашдинг — кулди бу дунё!
Иккаланг тортишиб дунёдан ўтдинг,
Қаҳ-қаҳа урганча қолди бу дунё!
Сен ақил яшадинг — яшади дунё,
Эзгу иш бошладинг — яшарди дунё.
Иккаланг дунёдан ўтгандан кейин
Афсусдан манглайин қашиди дунё!

СПОРТ

ФУТБОЛ:

БАҲАМ КЎРИЛГАН ОЧКОЛАР

Олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг саккизинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Саккиз ўйиндан иккитасида ғалаба қайд этилган бўлса, аксарият учрашувларда дарвозалар дахлсиз қолди ёки биттадан тўп киритилди. Жумладан, киевлик динамочилар билан пойтахт армиячилари ва Бокунинг «Нефтчи» командаси билан араратчилар учрашувида дарвозаларга биронта ҳам тўп киритилмади. «Қайрат» — «Зенит», «Черноморец» — «Торпедо», СКА—«Динамо» (Тб) учрашувлари 1:1 ҳисобида тугади. «Днепр» — «Таврия» ўйинида (2:2) ҳам очколар бўлинди. Фақат «Пахтакор» — «Динамо» (Мн) ҳамда «Шахтёр» — «Кубань» ўйинларида мухлислар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Агар кончилар «Кубань» дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритиш билан мавқеларини мустаҳкамлаган бўлсалар, пахтакорчилар бу сафар ҳам мухлисларни ранжитиб қўйдилар.

Умуман пахтакорчилар ўйинларни яхши ўтказишмаяпти. Ўз майдонида кетма-кет мағлубиятга учраш айниқса кўнгилсиз ҳолдир. Бу гал вакилларимиз учрашувнинг 34-минутида ягона тўп ўтказиб юбориш билан имкониятни бой бердилар. Мухлислар умид боғлаган Н. Нортожиев, Н. Амриев имкониятлари даражасида маҳорат кўрсатолмаяптилар. Термизнинг «Автомобилист» командасидан таклиф қилинган дарвозабон А. Афанасьев ҳам ишончни оқлолмаяпти. Тажрибали футболчи А. Якубикнинг икки сафардан бери омади юришмаяпти деса бўлади. Хулоса қилиб айтганда, пахтакорчиларнинг ҳар бир учрашувида олий лигачиларга хос тактик-техник маҳорат етишмаётганлиги кўзга ташланиб қолмоқда.

Ҳозир киевлик динамочилар 11 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. ЦСКА коллективида 10, «Динамо» (М), «Динамо» (Тб), «Торпедо», «Қайрат», «Шахтёр» командаларида 9 тадан очко бор.

ВЕЛОПОЙГА:

ТОШКЕНТЛИК СОВРИНДОР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун ўтказилган анъанавий кўп кунлик пойга якунланди. Тўққиз босқичли пойгада 1124 километр йўл босилди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Сергей Воронин жами масофага 25 соат 36 минут 26 секунд вақт сарфлаб совриндор бўлди. Умумкоманда ҳисобида «Старт», «Меҳнат» ва «Буревестник» коллективлари фахрли ўринларни эгаллашди.

И. Х. ИБРАГИМОВ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари Ильбек Хасбеевич Ибрагимов шу йил 5 майда автомобиль фалокатида ҳалок бўлди.

И. Х. Ибрагимов 1934 йили Бухоро областининг Кармана шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институтини тугатганидан сўнг Қарағанда ГРЭСида инженер бўлиб ишлади. 1958 йилдан то умрининг сўнгги кунигача республика энергетика системасида ишлади. У Тошкент шаҳридаги район иситиш корхоналарида инженер, катта инженер, кейинчалик хизмат бошлиғининг ўринбосари, хизмат бошлиғи, директор бўлди.

И. Х. Ибрагимов 1978 йили Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг капитал қурилиш ишлари бўйича биринчи ўринбосари қилиб тайинланди.

И. Х. Ибрагимов ўзини билимдон, яхши ташкилотчи, малакали мутахассис сифатида кўрсатди, республика энергетика системаларини фойдаланишга топширишни ташкил этиш ва уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

И. Х. Ибрагимов меҳрибон ўртоқ, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Ватан олдидаги хизматлари учун И. Х. Ибрагимов «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар, ёрлиқлар билан мукофотланган эди.

Ажойиб ўртоқ ва дўстимиз хотираси ҳамиша қалбимизда сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

1-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

1981—1982 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

қуйидаги касблар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқариш жиҳозларини монтаж ва ремонт қилиш, металларни совуқ ҳолда қирқиб ишлаш, саноат ва граждан қурилиши.

Ўқиш муддати: кундузги бўлимда 10 йилликни тамомлаганлар учун 2 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда 10 йилликни тамомлаганлар учун 3 йил.

Техникумга 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган (сиртқи бўлимга қабул қилинганларнинг ёши эътиборга олинмайди), **маълумоти 10 синфдан кам бўлмаган ва слесарь, токарь, қурилиш ҳунарларининг биридан камида 3 разрядли бўлиб, ГПТУни битирганлар учун 1 йиллик, муассасалардан келганлардан 2 йиллик стажлари бўлган кишилар қабул қилинади.**

Техникумнинг кундузги бўлимига кирувчилар 1 августдан 20 августгача математика, рус тили ва танлаган ҳунарлари бўйича разрядга кириш имтиҳонлари топширадилар.

Кундузги бўлимга қабул қилинганлар қуйидагилар билан таъминланадилар: кунига 3 маҳал овқат, ёзги ва қишки кийим, иш кийими, ҳунар кийими, дам олиш ва иш вақтида кийиладиган оёқ кийими, ётоқхона (бошқа шаҳардан келганлар учун), стипендия.

Кириш учун директор номига ёзилган ариза ва унга қўшиб қуйидаги ҳужжатлар кундузги бўлимга 1 июндан 14 августгача, сиртқи бўлимга 10 августгача топширилади: меҳнат дафтарчасидан нусха, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), соғлиғи ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат (бош кийимсиз).

Техникум адреси: Тошкент шаҳар, 4-Сарикульский тупиги, 1-уй.

Изоҳ: техникумга келганда абитуриент туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бўёқчилар, қурувчи-дурадгорлар, паркетчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарлар, электромонтёрлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, токарлар, мастер ёрдамчилари.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ёш ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар.

Бир йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчилар 70 сўм стипендия оладилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.), ариза.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри-19, Собир Раҳимов район, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй (2 ва 7-троллейбусларнинг «Красноармейская» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 7/V да **Ўн учинчи ранс,** 8/V да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/V да **Ишонмасанг ўламан,** 8/V да **Олифта.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 7, 8/V да **Байрам катта цирк томошалари.** (19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ИҚТИСОД ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш ихтисоси бўйича — **катта илмий ходим** (иқтисод фанлари кандидати), **кичик илмий ходим;**

халқ хўжалиги ва унинг тармоқларини планлаштириш ва бошқаришни иқтисодий тадқиқотлашда ҳисоблаш техникасини қўллаш ва математик методлар ихтисоси бўйича — **кичик илмий ходим.**

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 МАЙГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 9-уй.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат Бутуниттифоқ машина-трактор парки эксплуатацияси ва ремонти технологияси илмий-тадқиқот институтининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

ер қазиш-планлаштириш ва суғориш техникаси ремонтини ташкил этиш ва технология лабораториясининг катта илмий ходими

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 МАЙГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Калинин район, Ўртаовул посёлкаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг энергетика назорати ва таъминоти ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари

Ильбек Хасбеевич ИБРАГИМОВнинг

ва министр ўринбосари

Илҳом Каримович ЮСУПОВнинг

вафот этганликларини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон театр жамияти, маданият ходимлари касаба союзи республика комитети СССР халқ артисти, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати, таниқли театр режиссёри, педагог, таниқли кино ва театр артисти, профессор, Ўзбекистон театр жамияти президиумининг аъзоси

Раззоқ Ҳамроевич ҲАМРОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимлари ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот марказининг раҳбари Р. Т. Рашидовга отаси

Тўра Муродович МУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва юридик факультети коллективи юридик факультетининг ўқитувчиси М. Мирҳамидовга опаси

Нозима Мирҳамидовна МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги коллективи министрлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. Т. Икромовга онаси

Ғизиниса ИКРОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ғоринчилар, қаердасиз! 10.35 — Исёнкор застава. Бадиий фильм. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Мультфильм. 16.45 — Орлёнок. 17.30 — Ўсмирлик симфонияси. 18.00 — Бокс бўйича Европа чемпионати. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — П. И. Чайковский романсларини СССР халқ артисти И. Архипова ижро этади. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Театр учрашувлари. 23.45 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильмлар. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.20 — Фильм-концерт. 18.40 — Ўсмирлар ижоди. 19.00 — Радио куни. 19.30 — Ахборот. 20.00 — Радио кунига бағишланган концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Беозор қариялар. Телеспектакль. 2-қисм. 23.20 — «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг соврини учун самбо кураши бўйича Бутуниттифоқ турнири.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 — Ҳаёт каби тирик. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт. 20.45 — Фақат бир кун. Телефильм. 21.05 — Физика. 22.05 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.35 — Концерт. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 14.00 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 18.15 — Тошкент, марказий телеграфида. 18.25 — Ёшлик. 19.25 — Куйлардан куйларга. 20.00 — Радио кунига бағишланган концерт. 22.30 — Концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-89, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.